

2022-йил «05» 01 даги
04-02/000 -сон шартномага
ИЛОВА

Фойдаланишга қабўл қилинган газдан фойдаланиш ускуналари

РҮЙХАТИ

Фаолият тури: Охой, горицса, көзеги

Кадастровый №


23:13:41:03:01:0329

Табий газ тарифи 650 сум 50 тийин

Келишилган:



Ижрочи б. Керешев
(Ф.И.П.)



Табий газни улгуржки истеммолчиарга етказиб бериш ва қабул қилиш

ШАРТНОМАСИ

20 дүйн "ОГС" -сон 04-02/002 *Номын ш.*
(шартнома түзилгэн жэй)

Низом асосида фаолият юритувчи Хамебеков Рабоев
(кейнинг ўринларда "Истемолчи" деб аталади), раҳбари
В. Бурулбеков бир томондан ҳамда Низом ~~ба~~ 2020 йил "БУОИ" да берилган 03-19-03/зобили ишончнома асосида фаолият юритувчи Хурробаз Кородалепашов (газ таъминоти тақиботи номи) (кейнинг ўринларда "Етказиб берувчи" деб аталади), раҳбари Х. Виноградов иккичи томондан, куйидагилар тұғрисида мазкур шартноманы тузидилар:

ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Етказиб берувчи ўз зиммасига газ тармоклари оркали Истемолчининг келишилган буортманомаси бўйича табиий газ (кейинларда ўринилада газ деб аталади) етказиб берниш мажбурятини олади. Истемолчи эса ўз зиммасига ушбу шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилиган хамжада газни кабул килиш мажбурятини олади хамда тўловларни белгиланган нарх бўйича ўз муддатида амалга оширади.

1.2. Етказиб берувчи газни ушбу шартномага ва газлаштириш лойихасига мувофиқ, газдан фойдаланиш учун стандартлаштирилган ва сертификатта эга газ курилмалари, шунингдек, электрон газни хисобланади приборлари (кейнги ўринларда хисобланади приборлари леб атадали) мавжуд бўлганда етказиб беради.

1.3. Истеммочлы Етказиб беруучига тасдиқланган мебърларга (Табиий газдан фойдаланиш коидаларининг 6-бандига) асосан ишлаб чиқариладиган маҳсулотга (ёки кўрсатилаётган хизмат) нисбатан келгуси йилда газга асосланган эхтиёжни тақдим этила.

Истъмлоч жорий йилнинг 15 июль кунига кадар келгуси йилда истъмлоч килиничи тахмин килинаётган газ хажми бўйича буортма беради.

1.4. Истемолчи билан келишилган буюртма бўйича етказиб бериладиган газ хажми техник шартларда белгиланган босим ва хажмда 20~~22~~ йилда ~~39,392~~ кубм., нархси ~~15998,720~~ минг сўмни ташкил килади, жумладан чораклар ва ойлар бўйича кўйилагичча таскимланади:

I чорак	<u>39,392</u>	мінг.м.з.	январь	<u>15,67</u>	февраль	<u>15,11</u>	март	<u>9,090</u>
II чорак		мінг.м.з.	апрель		май		іюнь	
III чорак		мінг.м.з.	іюль		август		сентябрь	
IV чорак		Мінг.м.з.	октябрь		ноябрь		декабрь	

Етказиб берувчи томонидан хизматларни тұлғы қажмда күрсатиш учун магистрал ва газ таксими тармоқларининг ишлаши издан чиқкан тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон кароридан кайд этилган стратегик ва ижтимоий ахамиятга эга Истеъмолчиларга 20_йилда зарур бўлганд табиий газнинг минимал ҳажми _____ минг куб метрни, шу жумладан чораклар ва ойлар бўйича қуидагини ташкил қиласди:

I чорак	минг куб.м.	январь	февраль	март
II чорак	минг куб.м.	апрель	май	июнь
III чорак	минг куб.м.	июль	август	сентябрь
IV чорак	минг куб.м.	октябрь	ноябрь	декабрь

1.5. Агар, Истеъмолчи ойлар бўйича бўлинган буюртманомани тақдим этмаса, Етказиб берувчи томонидан чорак учун ажратилган табиий газ ҳажми ойлар бўйича бир хил миқдорда тақсимланади.

1.6. Етказиб берувчи Истеъмолчи буюртмаларини табиий газ ресурсларининг ва газни тақсимлашнинг тасдиқланган балансига мувофиқ ажратилган ҳажмлар доирасида қайта кўриб чиқиши мумкин. Истеъмолчи томонидан навбатдаги ой (чорак) учун кўрсатилған табиий газ ҳажмлари ўзгариши бўйича 10 кун олдин газ таъминоти ташкилотига хабар берган тақдирда, бундай ҳолат ортиқча олинган газ миқдори деб хисобланмайди.

II. ГАЗНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ

2.1. Газ ушбу шартномада кайд этилган (1.4-банд) муддатларда ва ҳажмларда ҳамда ГОСТ 5542-2014 (Саноат ва коммунал фойдаланиш учун табиий ёнуви газлар) га мувофиқ тарздаги табиий газни етказиб берилади.

2.2. Истеъмолчи Етказиб берувчидан ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларига асосан жорий ой учун газ истеъмолининг суткалик мөъёри доирасида газ қабул килиб олади, шунингдек, ой охирида тузилған газ етказиб бериш ва қабул килиш далолатномасини имзолайди.

2.3. Етказиб берувчи Истеъмолчига 24 соат ичидаги газ етказиб бериш ва қабул килиш тартиби ва шартлари ўзгартгандаги тўғрисида барча усувлар оркали Истеъмолчини хабардор килиши шарт.

Етказиб берувчининг авария-диспетчер хизматлари телефон рақамлари:

104

Истеъмолчи манзили ва телефон рақами:

Городской поселок Новоподолье 61-332-1767

2.4. Етказиб берувчи Истеъмолчини газ етказиб бериш кискартирилишига қадар камида 24 соат аввал бу ҳакида хабардор килиши шарт, магистрал газ кувўлларида юз берган авария ҳолатлари бундан мустасно. Истеъмолчи хабардор қилингандан кейин газ етказиб бериш дарҳол кискартирилади ёки тўхтатилади.

2.5. Магистрал ва тақсимловчи газ кувўлларининг технологик иш режимлари бузилганда, шунингдек, куз-киш мавсумида ижтимоий соҳа обьектларини ва ахоли истемолчиларини бир маромда табиий газ билан таъминлаш максадида Етказиб берувчи Истеъмолчини огоҳлантирган ҳолда газ етказиб беришни чеклаш ёки тўхтатиб қўйиш хукукига эга, Истеъмолчи эса захира ёқилги туридан фойдаланишга ўтади.

2.6. Истеъмолчи Етказиб берувчи билан газ етказиб бериш-қабул килиш доирасида тезкор маълумотларни мунтазам алмашишни таъминлаш учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

2.7. Истеъмолчи захира ёқилги туридан фойдаланишни кўзда тутиши ва уни етарли миқдорда (3 ойдан кам бўлмаган муддатта) шакллантириши шарт. Истеъмолчи Етказиб берувчининг асосланган талаби билан табиий газдан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ, захира ёқилгига ўтиши ва газдан фойдаланиш тўхтатиши лозим. Газ етказиб беришнинг тўхтатилиши тегишли далолатнома билан расмийлаштирилади.

2.8. Истеъмолчи ўзига тегишли бўлган газ тармоқлари ва уларда ўрнатилган ускуналар, ГТП (газ тақсимлаш пункти), газдан фойдаланиш ускуналаридан соз ҳолда фойдаланиш, уларга хизмат кўрсатиш ҳамда саклаш учун жавобгар ҳисобланади.

2.9. Истеъмолчининг кўшимча газдан фойдаланиш ускуналари ўрнатилиши, реконструкция килиниши ёки таъмирланиши оқибатида газ сарфлаш ҳажми ўзгаришига олиб келган ҳолларда, Истеъмолчи Етказиб берувчидан кўшимча газдан фойдаланиш ускуналарини ўрнатиш ёки реконструкция килишга техник шартларни олиши шарт. Газ тармоқларига уланиш Табиий газдан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

2.10. Истеъмолчи ёки Етказиб берувчининг тўлов реквизитлари ўзгарган ҳолатларда улар зудлик билан бир-бирини бу ҳакида хабардор килиши шарт.

2.11. Табиий газни қазиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, тақсимлаш ва истеъмол килиш режимиининг ягона узлуксиз технологик жараёнини хисобга олиб, табиий газни Ишлаб чиқарувчи ва Етказиб берувчининг талабларини бажариш Истеъмолчилар учун мажбурий ҳисобланади.

III. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

3.1. Газни ҳисобга олмасдан етказиб беришга йўл кўйилмайди.

3.2. Етказиб берилгандан газ миқдори газ тармоқлари бўлиниши чегарасида ўрнатилган ҳисоблаш приборлари кўрсаткичлари ёки ўлчаш комплекси бўйича аникланади ҳамда ҳар икки томон имзолайдиган газ етказиб бериш ва қабул килиш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Газ тармоғи бўлиниши чегараси (Истеъмолчи балансида бўлган газ тармоғининг бошланниши ҳисобланиб) Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасидаги, тегишлилиги бўйича аникланадиган газ тармоғи бўлиниши нуктаси ҳисобланади ва унда ҳисоблаш приборлари ўрнатилиши шарт.

3.3. Бирлик миқдори стандарт шароитда 1 м³ газ олинади: харорат 20° С, босим 101,325 кРа (760 mmHg) (ГОСТ 2939-63 1.1-бандига асосан). Газ ҳажми газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шароитда, азот ва карбонат ангидрид) қийматлари бўйича тузатилади.

Газ миқдори “Ўзстандарт” агентлигининг мөъёрий-хуқуқий хужжатлари талабларига мувофиқ газ миқдорини стандарт шароитга автоматик равишда келтирадиган газни ҳисоблаш приборлари ёрдамида аникланади.

3.4. Етказиб берувчининг ёки Истеъмолчининг балансида бўлган газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси унинг мулки ҳисобланади.

3.5. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси танлови тегишли қоидалар ва мөъёларга мувофиқ амалга оширилади ва Етказиб берувчи билан келишилади. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси газ

истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишининг автоматлаштирилган тизим (ТГҲНАТ-АСКУГ) ларига уланиши лозим.

3.6. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексини ўрнатиш ва ишлатиш амалдаги коидалар ва мөъёрларга мувофиқ амалга оширилиши керак.

3.7. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекси эгаси уни ишлатиш давомида О'з DSt 8.030:2008 “Ёқилги ва энергия. Ҳисобга кўйиладиган умумий талаблар”, О'з DSt 8.031:2008 “Ёқилги ва энергия. Ўлчаш приборлари билан жихозлаш ва уларни ишлатиш” давлат стандартлари талабларига, шунингдек ўлчаш приборлари ишлаб чиқарувчининг талабларига риоя килиш.

3.8. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларининг метрологик ва техник тавсифлари амалдаги мөъёрлар ва коидаларга мувофиқ бўлиши керак.

3.9. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари “Ўзстандарт” агентлигининг жорий қиёслов кўригидан ўтказилган сертификати ва/ёки метрологик аттестациясига эга бўлиши керак. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларининг қиёслов кўрикдан ва/ёки метрологик аттестациясидан ўтиш даврини “Ўзстандарт” агентлиги белгилайди.

Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари эгаси газ ўлчаш, приборларини қиёслов кўригидан ўтказиш ва/ёки ўлчов комплексларини (ва унинг таркибий қисмларини) “Ўзстандарт” агентлигига метрологик аттестациядан ўтказишнинг ўз вақтида бажарилиши учун масъулдир.

3.10. Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (қиёслов кўриги/калибрлаш, торайиш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва/ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вакиллари иштироқида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш, ўрнатиш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги мөъёрлар ва коидаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вакили) томонидан амалга оширилади.

3.11. Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (қиёслош кўриги/калибрлаш, торайтириш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва/ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вакиллари иштироқида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш, ўрнатиш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги мөъёрлар ва коидаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вакили) томонидан амалга оширилади.

Етказиб берувчининг вакилини газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексининг эгаси чакиради.

3.12. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларини модернизация килиш, газ ўлчаш приборларини алмаштириш, газни ўлчашнинг бошка усусларини танилаш масалалари Етказиб берувчи билан келишилади.

3.13. Газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шарондаги зичлик, азот ва карбонат ангидрид) газ ўлчаш приборининг конфигурациясига киритилади.

Газ ўлчаш приборининг эгаси газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вақтида газ ўлчаш приборини конфигурациясига киритишни таъминлайди. Етказиб берувчи Истеъмолчига газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вақтида етказиб берилишини таъминлайди.

3.14. Етказиб берувчи ўзининг тамғаларини газ ўлчаш приборларига ва/ёки ўлчаш комплексининг газ ҳажмини ўлчашга таъсир қиласидан қисмларига Истеъмолчи иштироқида ўрнатади ва тегишли далолатнома тузилади. Ўрнатилган тамғаларни бутлилига Истеъмолчи жавобгардир.

3.15. Етказиб берувчи Истеъмолчининг газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари ва уларнинг таркибий қисмларининг тўғри ишлашини кузатиш хукукига эга. Шу билан бирга, Истеъмолчи Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофиқ Етказиб берувчи вакилларининг ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчаш комплексларига тўсиксиз киришини таъминлайди.

3.16. О'з DSt 8.586.(1-5)-2005 бўйича ўлчов комплекси ва ўлчаш приборлари ишида гайритабиий ҳолатлар юзага келган тақдирида О'з DSt 8.064:2017 бўйича газнинг миқдори ҳисобланади (корректировка). Ўлчаш курилмаси ва /ёки ўлчаш комплекси фаолиятига рухсатсиз аралашиб ҳолатлари бундан мустасно.

3.17. Олинган газ учун ҳисоб-китоб, қуйидаги ҳолларда тамғаланмаган газдан фойдаланиш ускунасининг 24 соат давомида ишлаб туриши ҳисоб-китобидан амалга оширилади:

а) газни ҳисобга олмаган ҳолда газ истеъмоли – газни ҳисоблаш прибори ва газни сарф қилиш нормаси бўлмаганда, газни ҳисоблаш приборини четлаб ўтган ҳолда истеъмол килиш (ноконуний байпас линиялари уланганда) охирги ҳатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан аникланган кунгача, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

б) ҳисобга олиш приборини улаш тартиби ва схемаси ўзгартирилганда - охирги ҳатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

в) ҳисобга олиш прибори бузилганда (ҳисобга олиш прибори бузилганлигини тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлганда) – шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларини инобатга олган ҳолда бир ҳисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтга;

г) ҳисобга олиш прибори мавжуд бўлмаганда – қиёслов кўригидан ўтказиш учун ечилиганда – ҳисобга олиш прибори ечилиган кундан “Ўзстандарт” агентлигидан қиёсловдан ўтказилиб, сертификат олиниб жойига ўрнатилган кунгача бўлган вақтга;

д) ҳисобга олиш приборини қиёслов кўригидан ўтказиши ва/ёки ўлчов комплексини метрологик аттестациядан ўтказиш муддати тугаганда – қиёслов кўригидан метрологик аттестация ўтказиш муддати тугаган кундан қиёслов кўригидан ёки метрологик аттестация ўтказиш учун ечилиган кунгача бўлган вақтга;

е) ҳисобга олиш прибори ёки ўлчов комплексининг қисмларига ўрнатилган тамғаларнинг бутлиги бузилганда – охирги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб, лекин бир ҳисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтга;

ж) ҳисобга олиш приборини ўзбошимчалик ечиб кўйилганда – охирги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аникланган кунгача бўлган вақтга;

з) газни тарқатиш тармоқларининг технологик режимини бузадиган газ кувурларида ёки ГТПларида асбоб-ускуналар ўрнатилганда - охирги кўрик ёки газ

таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вактдан бошлаб аникланган кунгача бўлган вактда;

и) Газ хисоблаш ускунасининг конфигурацияларига ноконуний тарзда ташки таъсир кўрсатган ҳолда табиий газни истеъмол килиш ҳолатлари аникланганда – ташки таъсир кўрсатилган кундан бошлаб (агар аралашув кунини ва фактини тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлса), бироқ дайво муддатидан ортиқ бўлмаган муддатга;

к) хисобга олиш приборининг хотирасида сакланадиган архив маълумотларини йўқотиш, газ ўлчашни автоматлаштирилган тизимидан хисобот ойида маълумотлар олиш имкони бўлмагандан ёки етказиб берувчининг оператив журнallаридан олинган маълумотлар бўлмаган тақдирда. (Хисоб-китоб учун ТГХНАТ (АСКУГ) тизими жорий килинган истеъмолчиларда хисобот даври учун архив маълумотлари мавжуд бўлмаган холларда истеъмол қилинган табиий газ ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар ТГХНАТ тизимида қайд этилган маълумотлардан олинади);

л) газ истеъмоли ҳажмлари хисобга олиш приборининг рухсат этилган максимал ўлчов чегарасидан ортиқча, пломбаланмаган газ жихозларидан фойдаланилган газ учун хисоб-китоблар охирги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, хатлов далолатномаси мавжуд бўлмаганда эса – газ таъминоти ташкилоти вакили томонидан охирги марта бориб кўрилган кундан амалга оширилади;

м) газлаштириш хужжатларини расмийлаштирумасдан истеъмолчи томонидан кўшимча газ курилмаси ўрнатиш ҳолати аникланганда (кўшимча газ анжомларини ўрнатиб олиб фойдаланаётганлик факти бўйича асослантирувчи хужжатлар мавжуд бўлганида) - бир хисоб-китоб даврига;

3.18. Истеъмолчининг хисобга олиш прибори газ ҳажмини пастки чегараси остида сарфлаганда, газ ҳажми хисобга олиш прибори ва/ёки ўлчов комплексининг меъёрий-техник хужжатларида кўрсатилган ўлчовининг пастки чегарасида олинади.

3.19. Етказиб берувчи томонидан етказиб бериладиган газ ҳажмининг ишончлилигига таъсир кўрсатувчи ўлчов комплекслари ва хисоблаш приборларининг ишлаши бузилган ҳолатлар аникланганда, Етказиб берувчи "Ўзстандарт" агентлиги бўлинмаларида ўлчов комплекслари ва газни хисоблаш приборларини экспертизадан ўтказишни талаб килиш хукуқига эга.

Агар ўлчов комплекслари ва хисоблаш приборлари носоз бўлса, экспертизадан ўтказганлик учун тўловлар Истеъмолчи томонидан, соз ҳолатда бўлганда эса – экспертиза ўтказилиши талаб килган Тараф томонидан амалга оширилади.

3.20. Агар хисобга олиш прибори ишдан чиққанда ёки хисобга олиш приборидан газ сизиб чиқиши ҳолатлари аникланган тақдирда Истеъмолчи 24 соат ичida Етказиб берувчига бу ҳақда хабар бериши шарт. Шунингдек корхонадаги газ, ишлатадиган асбоб-ускуналарни ишлаш графикини тузиши ва ишламайдиган газ асбоб-ускуналарини Етказиб берувчи билан биргаликда ўйириб тамғаланишини таъминлаши шарт.

3.21. Хисобга олиш приборларида газ сизиб чиқиши ҳолати аникланган тақдирда кайта хисоб-китоблар охирги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вактдан бошлаб аникланган кунгача, лекин дайво муддатидан кўп бўлмаган даврда амалга оширилади. (О'з DSt 8.586 га кўра газни аниқлаш тизимлари герметик ҳолатда бўлиши керак).

IV. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗ УЧУН ҲИСОБ-КИТОБНИ АМАЛГА ОШИРИШ

4.1. Истеъмолчи мазкур шартнома асосида етказиб берилган газ учун тўловни амалга ошириши шарт.

4.2. Газ учун нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалдаги конунчиллик мувофиқ белгиланади.

4.3. Истеъмолчи ҳисоб-китоб килиш даври бошланишидан камида 5 кун олдин Етказиб берувчининг ҳисоб ракамига ўшбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларида кўрсатилган ойлик газ ҳажми қийматига 100 фоиз суммасини олдиндан тўлади.

Ҳисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин ҳисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш ҳохишини билдирган истеъмолчилар ҳисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб етказиб берилган табиий газ учун 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида ҳисоб-китоб килиш тўғрисида Етказиб берувчига билдириги тартибида мурожват килишга ҳақлидир. Бундай ҳолатларда истеъмолчилар ҳисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин газ таъминоти ташкилотининг ҳисоб ракамига табиий газ етказиб беришга тузилган шартномада кўрсатилган ойлик табиий газ ҳажми қиймати суммасининг 50 фоизи миқдорида олдиндан ҳақ тўлашлари шарт. Амалда истеъмол қилинган табиий газ ҳажми учун якуний ҳисоб-китоб хисобот ойининг охиригача амалга оширилади.

4.4. Истеъмолчига газ олдиндан тўловбиз етказиб берилмайди.

4.5. Олдиндан тўлов амалга оширилмаган тақдирда, Истеъмолчига газ етказиб берилмайди (стратегик корхоналар ва ижтимоий аҳамиятга эга истеъмолчилар бундан мустасно).

4.6. Истеъмолчи ҳар ойнинг 10 санасига кадар аввалги ойда истеъмол қилинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга ошириши керак.

4.7. Стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истеъмолчилар ҳисоб-китоб килиш ойи тугагандан кейин 30 кун мобайнида олинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга оширадилар.

4.8. Табиий газдан фойдаланишда Истеъмолчининг вайби билан табиий газ етказиб беришга шартномада кўрсатилганидан ҳажмдан кам фойдаланилган тақдирда, аванс тарзидан тўланган маблаглар қайтарилмайди, кўрсатиб ўтилган маблаглар эса келгусида газдан фойдаланишда ҳисобга олинади.

4.9. Истеъмолчи томонидан табиий газ етказиб бериш учун тузилган шартномада белгиланганидан кўп ҳажмда ва газ таъминоти ташкилоти билан олдиндан келишилмасдан газ олинган тақдирда, Истеъмолчидан шартномадаги ҳажмлардан ортиқча олинган табиий газ қийматига нисбатан 1,4 коэффициент билан оширилган тўлов ундирилади.

Бунда, белгиланган тартибида хисоблаш приборини алмаштириш, таъмирлаш, хизмат кўрсатиш, текшириш ва созлигини мониторинг килиш учун ечиб олиш, шунингдек, Истеъмолчига алокадор бўлмаган турли ҳил (электр таъминоти носозлиги, чакмок, киска туташув ва х.к.)даги техник носозликлар аникланганлиги сабабли истеъмол қилинган табиий газ ҳажмини ўрнатилган газ асбоб-ускуналарини тўлик куввати бўйича ҳисоб-китоб килиниши натижасида шартномадаги ҳажмлардан ортиқ ҳажмларни ташкил килган ҳолатлар бундан мустасно.

4.10. Табиий газ учун Истеммолчининг қарзи мавжуд бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари Истеммолчини хабардор килган ҳолда қарзни коплашга йўналтирилади ва аванс тўлови сифатида ҳисобга олинмайди.

4.11. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ қиймати ўз вақтида тўланмаганда, Истеъмолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлади.

4.12. Ҳисоб-китоб ойида етказиб берилган табий газ ҳажми Етказиб берувчи вакиллар томонидан табий газ истемолини ҳисобга олиш приборидан күрсаткичларни ёзив олиш (ТГХНАТга уланган, шунингдек, табий газни истемол килишини ҳисобга олиш приборларига эга бўлмаган ва белгиланган мъёллар бўйича ҳисоб-китоб киладиган истемолчилар бундан мустасно) асосида, кейинчалик ёзив олинган күрсаткичлар Fossa тизимига киритиш, шунингдек, истемолчилар томонидан табий газ истемолини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини интерактив хизматлар воситаларидан фойдаланган холда киритиш орқали аниқланади.

4.13. Шартноманинг 4.12-бандига асосан кўрсаткич олинганидан сўнг кейинги ойнинг 5 кунига қадар Етказиб берувчи томонидан хисоб-китоб ойи учун газ етказиб бериш-кабул килиш далолатномаси расмийлаштирилади. Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-кабул килиш далолатномасига асосан истемолчига электрон хисобварак-фактура юборилади.

4.14. Етказиб берувчи ва Истемолчи ўртасидаги ҳисоб-китобларнинг хаккйилигини таъминлаш учун ҳисобот даврида газни етказиб бериш-қабул қилиши далалатномаси Истемолчидан қуидаги техник хужжатлар мавжуд бўлганда расмийлаштирилади:

а) газни ҳисоблаш прибори хотирасидан ҳисбот даври учун олинган (кўчирма) архив маълумотлари;

б) Истъемлчига тақдим этиладиган, Истъемлчининг бўлиниш чегарасигача бўлган жойдаги газ тармоклари ва ГТКлардаги технологик йўқотишларнинг ҳажми тўгрисидаги далолататноманинг мавжудлиги; Бунда Истъемлчи балансида бўлган газ тармоклари ва ГТКдаги технологик йўқотишлар Истъемлчи хисобига олиб борилади.

4.15. Истемолчи ойнинг 7 кунидан кечикитирмасдан Етказиб берувчидан хисоб китоб ойи учун газ етказиб бериш ва кабул қилиш далолатномасини қабул килиб олади имзолайди ва бир нусхасини Етказиб берувчига жўнатади. Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасига асосан электрон хисобварак-фактурани кабул киласди.

4.16. Табиий газни етказиб бериш-кабул килиш далолатномасини имзоламаслик ёки уни эътиrozлар билан имзолаш Истеъмолчини кўрсатиб ўтилган табиий газ хажмлари учун тўловлардан озод кильмайди. Узатилган ёки кабул килинган газ микдорини аниқлашдан норози бўлган томон далолатномада норозилик сабабларини мажбурий акс эттириш йўли билан хисоб-китоб килиш ойи тугагандан кейин 10-кунгача бошка томонга бу тўғрида маълум килиб, сўнг далолатноманинг бир нусхасини Етказиб берувчи вакилини тақдим киласди. Ушбу масалани ўзаро ҳал этиш имконияти бўлмаганда, келишмовчилик сабаблари белгиланган тартибда кўриб чиқилиши керак.

4.17. Истеммолчидан дебитор қарзларни ундириш Етказиб берувчи томонидан конунда белгиланган тартибда амалга оширилады.

4.18. Газ узиб күйилганидан сүнг ўзбошимчалик билан қайта уланганда истемол килинган газ ҳажми ва унинг қимати газ узиб күйилган кундан бошлаб

уланган газдан фойдаланиш ускунасининг бир суткада 24 соат ичидаги түликтук күват билан ишлаб туриши хисобидан аниқланади.

4.19. Газ учун амалдаги тарифлар (нархлар) ўзгартган тактирида, Етказиб берувчи бу хакидаги ахборотни ўн беш күн олдин оммавий ахборот воситалари орқали хабардор килади. Газ учун тарифлар ўзгартганида, мазкур шартнома ўз кучида колади, истемол қилинган газ учун тўлов эса янги тариф асосида, у конунда белгиланган тартибида кучга кирганидан сўнг амалга оширилади. Бунда истемолчли табиий газнинг аванс тартикасида тўланган ҳажми учун тўлов кунидан бошлаб кўпич билан кейинги 1 ой кўшимча тўлов тўлашдан озод қилинади.

V. ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА ГАЗДАН НОҚОНУНИЙ ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

5.1. Газдан фойдаланишда Истемолчи томонидан мазкур шартноманинг 3.17. ва 4.18.-бандда кўрсатиб ўтилган хукукбузарликларга йўл кўйилиши, Етказиб берувчи ва Истемолчи вакиллари томонидан имзоланадиган ва икки нусхада тузиладиган далолатномаси билан расмийлаштирилади.

5.2. Ушбу шартноманинг 5.1-бандига асосан расмийлаштирилган далолатномага мувофиқ Истъмолчидан, фойдаланган газ хажми қиймати (амалдаги тарифлар бўйича) унлириб одинади.

5.3. Бунда мазкур шартноманинг 5.2-бандида кўрсатилган ҳолатларда газ ҳажми кийматининг ундирилиши Истемолчики конунчиликда белгиланган жавобгарликдан озод килемайди.

VI. ТАРМОҚДАН УЗИБ ҚҮЙИШ ВА ҚАЙТА УЛАНИШ ТАРТИБИ

6.1. Истеъмолчыда күйидаги ҳолатларнинг мавжудлиги ҳамда ушбу ҳолатларнинг бартараф этилгунига кадар газ тармокларидан узиб кўйилади:

- шартномавий мажбуриятлар бажарилмаганда;
 - Етказиб берувчи вакилларини газдан фойдаланиш ускуналари ва ҳисобга олиш курилмаларини назоратдан ўтказишга йўл кўйилмаганда;
 - фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоб ўз вақтида амалга оширилмаганлиги натижасида қарздорлик мавжуд бўлгандা;
 - шартномада белгиланган буюртмаларга етарли миқдорда олдиндан тўловлар амалга оширилмаганда;
 - Етказиб берувчининг ва “Ўзнефтгазинспекция”нинг кўрсатмалари бажарилмаганда;
 - ҳисоблаш приборларига қасддан зарар етказилганда, прибор кўрсатгичларини ўзгартириш максадида уларнинг ишлашига тўскинлик килювчи хатти-харакатлар амалга оширилган ҳолатларда;
 - газни ҳисобга олиш приборларига ташки таъсир кўрсатишга харакат килиш;
 - Газдан фойдаланиш қондларига зид равишда газ тармокларига ноконуний уланиш ёки бошқа қондабузарликлар ёхуд газни талон-тарож килиш ҳолатлари аникланганди;

Бунда Етказиб берувчи газ таъминотининг ўчирилиши натижасида етказилган моддий зарар ёки бой берилган фойда учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

6.2. Тармокқа қайта уланишда амалдаги конунчилікка мұвоғын Истельмолчинан базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида ҳақ ундиріллады. Шартномалынг 13.1.-бандыда күрсатилған ҳоллар бундан мұстасно.

6.3. Газ истельмолини ҳисобға олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштырылған тизим (ТГХНАТ) ларига уланган истельмолчиларни масофадан қайта улаш үчүн ҳақ ундирілмайды.

VII. ТАРАФЛАРНИНГ ХУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7.1. Етказиб берувчи күйидагиларга мажбур:

- ўзига қарашлы бұлған газ тармокларини соз ҳолатда сақлаш ва уларни ўз ҳисобидан таъминлаш-тиклаш;
- ўз газ тармокларининг техник ҳолатини ва уларда рухсатсиз уланишларни аниклаш учун даврий күздан кечириш;
- табиий газ етказиб бериш кисқарған ёки тұхтаган тақдирда бу тұргида Истельмолчиларни хабардор қилиш;
- газ ҳисоблаш ускуналаридан олинған архив маълумотларни, электрон маълумотларнинг барча параметрларини камида уч йил мобайніда ўзида сакланишини таъминлаш;
- шартноманинг 3.17. ва 4.18.-бандларига күрсатилған ҳолаттар содир этилғанлығы ва ушбу ҳолаттарни бартараф этилгүнің қадар табиий газ таъминотини күшімчага огохлантиришларсиз тармокдан үчириш;
- табиий газнинг рухсатсиз истельмол килингандығы, газ тармоклари моддий бойликларининг талон-тарож қилингандығы тұрғысіда хуқукни муҳофаза килиш органларини хабардор қилиш;
- Истельмолчига газ етказиб бериш шартномасыда келишилған шарттар асосида газни етказиб бериш;
- конунда назарда тутилған тартибда монополияға қарши давлат органининг тақдимномасига асасан шартномага ўзғартиришлар киритиш;
- Етказиб берувчи ва ваколатли давлат органларининг мажбурий күрсатмаларини бажариш;
- техник хизмат күрсатиши шартномаларига мұвоғык истельмолчиларнинг ички газ тармоклари, газдан фойдаланувчи ускуналарини техник тағтишдан ўтказиши ва уларға профилактика хизмат күрсатиши:
- табиий газ сизиб чиқишида — дархол;
- оқшат тайёрлаш учун мұлжалланған газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигіда — бир күн давомида;
- иситиш мавсумида иситиш учун мұлжалланған газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигіда — бир күн давомида;
- исек сув ва иситиш учун мұлжалланған газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигіда (иситиш мавсумидан ташқары вактда) — иккى күн давомида;

- Газдан фойдаланиш ускуналарини 5 сутка муддат ичіда алмаштириш;

Етказиб берувчи конунчилікка мұвоғык бошқа мажбуриятларға ҳам эга бўлиши мумкин.

7.2. Етказиб берувчи күйидаги хуқуқларга эга:

- техник заруратта кўра, Истельмолчини белгиланған тартибда хабардор қилған ҳолда, табиий газни етказиб беришни кисқартириш ёки тұхтатиши;

- газ таъминоти тармокларига рухсатсиз уланиш ҳолатлари аникланғанда уларни белгиланған тартибда газ тармогидан узиб кўйиш;

- Истельмолчилардан табиий газдан фойдаланиш қоидалари ва газни етказиб бериш шартномаси талабларига риоа этишнен талап килиш;

- табиий газни етказиб бериш шартномасини ижро қилишдан қонун хужжатларига мұвоғык бир томонлама воз кечиши;

- газ тармокларидан авариянинг олдини олиш ёки бартараф этиш юзасидан кекичириб бўлмайдиган чораларни кўриш зарурати юзага келганды, Истельмолчи билан келишмасдан ва уни огохлантирилмасдан ҳамда зудлик билан хабардор қилған ҳолда, табиий газни етказиб беришни тұхтатиши ёки чеклаш;

- ушбу шартномада назарда тутилған ҳолатларда, аникланған қоидабузарликлар бартараф этилгүніга қадар аввалдан огохлантирилмаган ҳолда газ етказиб беришни тұхтатиши;

- табиий газ етказиб бериш шартномасини бир томонлама бекор қилиш.

7.3. Истельмолчи күйидагиларға мажбур:

- ҳисобот ойида табиий газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини ва хисоб-варакасини расмийлаштыриши учун хар ойнинг 5-санасигача Етказиб берувчига электрон газ хисобдонини архив маълумотлари (распечатка) ёки газни ҳисобға олиш приборларининг күрсаткичларини тақдим этиши.

- газдан оқилюна ва тежамкорлик билан фойдаланиш;

- газ хўжалиги газ қувурлари ва ускуналарини техник жиҳатдан соз ҳолатда сақлаш;

- газ тармокларидан ёки газдан фойдаланиш ускунасида вужудга келган табиий газ сизиб чиқиши ҳолати ҳақида газ таъминоти ташкилоти диспетчерлерлик хизматларини зудлик билан хабардор қилиш;

- ўзининг газ тармоклари дахлсизлигини таъминлаш ва эҳтимоли бўлған рухсатсиз уланишларни аниклаш мақсадида уларни ва улардаги ускуналарни мунтазам равишда кўздан кечириб чиқиши;

- газ таъминоти ташкилотлари газ тармокларига сертификатланмаган, газлаштириш лойиҳасига (ЛТХ) мұвоғык бўлмаган газдан фойдаланиш ускунасининг уланишига йўл кўймаслик;

- газ етказиб берувчи вакиллари ва "Ўзнефтгазинспекция" ходимларининг (тегишли гувохнома күрсатилған тақдирда) табиий газни истельмол килишини ҳисобға олиш приборларини ва/ёки газдан фойдаланиш ускунасини куннинг исталған вактида эркин кўздан кечиришини таъминлаш;

- газдан фойдаланиш ускунасидаги носозликларни (бундай турдаги ишларни бажариш ҳуқуқига эга бўлған ихтинослаштирилған бригадалар ёки ходим ёрдамида) бартараф этиши;

- табиий газ истельмолини ҳисобға олиш приборлари күрсаткичларини ўзғартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўсқинлик кильувчи харакатларни амалга оширмаслик, уларнинг қасдан бузилишига йўл кўймаслик ва ўрнатилған тамғаларнинг бутунлигини таъминлаш;

- табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборларий ишидаги носозлик аниқланган тақдирда, газ таъминоти ташкилотини ўзи учун қулай шаклда дархол хабардор килиш.

- Газ тармоги бўлиниши чегарасида табиий газ сарфи бўйича маълумотларни масофадан олиш имкониятини берувчи газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишининг автоматлаштирилган (ТГХНАТ-АСКУГ) тизимиға уланган ҳисоблаш приборлари Истеъмолчи томонидан ўрнatiш.

7.4. Истеъмолчи Етказиб берувчидан қўйидагиларни талаб қилиш ҳуқукига эга:

- етказиб берилган табиий газнинг аниқланган ҳажмига ва бошка параметрларга норози бўлган тақдирда, Етказиб берувчининг табиий газни истеъмолини ҳисобга олиш приборлари ишлашининг ишончлилигини текшириш учун комиссия ташкил этиш;

- табиий газнинг стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларда кўзда тутилган сифатда ва етказиб бериш режимиға риоя қилган холда узатилиши;

- табиий газни етказиб бериш шартномаси бекор килинганда, фойдаланилмаган газ ҳажми учун тўланган суммани қайтариш;

- табиий газни етказиб бериш шартномасини конун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама бекор килиш;

- табиий газни етказиб бериш тўхтатилганда, зарарни қоплашни талаб қилиш (шартноманинг 2.5. ва 6.1. бандлари бундан мустасно);

- газ етказиб беришни вактинча тўхтатишни.

Истеъмолчи конунчилик ҳужжатларида белгиланган бошка ҳукукларга эга бўлиши мумкин.

VIII. ТАРАФЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Етказиб берувчи Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасига асосан газ етказиб берилмаган ёки тўлиқ етказиб берилмаганилиги оқибатида етказилган моддий зарар ва бой берилган фойдани белгиланган тартибда қоплади.

Етказиб берувчи газни етказиб бермaganлик ёки тўлиқ етказиб бермaganлик учун қўйидаги холларда жавобгар ҳисобланмайди:

а) Истеъмолчи томонидан газ таъминоти тармокларига кўшимча газдан фойдаланиш ускунасини рухсатсиз улаш ҳолати аниқланганда;

б) фойдаланилган газ учун тўлов амалга оширилмаганда;

в) конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда;

г) истеъмолчи томонидан шартнома талаблariiga амал килинмаганида;

д) мазкур шартноманинг 2.5. ва 6.1.бандларида кўрсатилган холларда.

8.2. Етказиб берувчи томонидан шартнома мажбуриятларининг бажармаслиги натижасида Истеъмолчига моддий зарар етказилганда, Етказиб берувчининг мансабдор шахсига нисбатан базавий ҳисоблаш микдорининг ўн баробаридан ўн беш баравари микдорида жарима кўлланади.

8.3. Шартномада кўрсатилган ҳажмдан кам ҳажмда газ етказиб берилган тақдирда, Етказиб берувчига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаoliyatiniнг шартномавий-ҳуқукий базаси тўғрисида”ги Конуни асосида жарима санкциялари кўлланилади, қўйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

а) форс-мажор ҳолатлар;

б) магистрал газ қувурларида ва газ тармокларида авария ҳолатлари юз берганда;

в) киш даврида вактинча газ етказиб бериш чекланганида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорлари, шунингдек, Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятларва Тошкент шаҳри ҳокимларни қарорлари билан тасдиқланган газ етказиб бериш тармогидан узib кўйилмайдиган обьектлар рўйхатига киритилган корхоналардан ташқари);

г) шартнома асосида Истеъмолчи томонидан ўз зиммасига олинган мажбуриятлар бажарилмаганда.

8.4. Етказиб берилган табиий газнинг сифати шартнома ёки норматив ҳужжатлар талаблariiga мос келмаганда, Истеъмолчи газ қабул қилиш ёки унинг учун ҳақ тўлашни рад этганда Етказиб берувчидан етказиб берилган сифати зарур даражада бўлмаган газ ҳажми кийматининг 20 фоизи микдорида жарима тўлашни талаб қилиш ҳуқукига эга. Агар, газ киймати тўланган бўлса, Истеъмолчи Етказиб берувчидан белгиланган тартибда тўланган суммани қайtариши талаб қилиш ҳуқукига эга.

8.5. Етказиб берувчи томонидан шартномада кўрсатилган ҳажмлардан кам газ етказиб берилганда, Етказиб берувчи Истеъмолчига муддати ўтган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган суммасининг 0,5 фоизи микдорида, бирор етказиб берилмаган газ кийматининг 50 фоизидан ошмайдиган микдорда пея тўлади.

8.6. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ ҳақи ўз вактида тўланмаган тақдирда, Истеъмолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, бирор муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган микдорда пея тўлади.

IX. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

9.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги конун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбик этилишини ифодалайди ва кафолатлайди.

9.2.“Истеъмолчи” “Етказиб берувчи”га мазкур шартнома доирасида қўйидагиларни кафолатлайди ва қўйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошка вакиллари), истеъмолчи манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат килиб, “Етказиб берувчи”нинг коррупцияга қарши амалдаги талаблariiga ва Ўзбекистон Республикасининг барча конун ва қоидаларига қатъий риоя килади.

X. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

10.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар юзага келган тақдирда томонлар коидага кўра, уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

10.2. Келишмовчиликлар ва низоли масалаларни ҳал этиш учун тарафлар белгиланган тартибда жавобгар жойлашган жойдаги тегишли судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

10.3. Шартнома шартларини бир томонлама рад этиш ва бир томонлама ўзгаришишга йўл кўйилмайди, конунда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

XI. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

11.1. Томонлар:

а) табиий оғатлар;

б) магистрал газ кувурларида ва газ тармокларида, газни кайта ишлаш корхоналари ва газ қазиб чиқариш жойларидан күтілмаган авария вазиятларын юзага келгандан, шунингдек енгіб бұлмас күчлар туфайли содир бўлган табиий оғатлар, хусусан, сел, ёғир, сув тошкени, ёнгин чиқиши, ер қимрилаши, вирус тарқалиши ва пандемия даврида ҳамда Ҳукумат карорига асосан тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятлари бажариш имкони бўлмай колганда жавобгарликка жалб этилмасдан, газ етказиб беришни тўхтатиш, кискартириш ёки муносабатларни тўхтатиш ҳукукига эга бўладилар.

11.2. Форс-мажор ҳолатлар юзага келган тақдирда, тарафлар хар кандай алоқа воситаси ёрдамида бир-бирини хабардор килиши керак.

11.3. Агар, кўрсатилган ҳолатлар 90 кундан ортиқ кун мобайнида сакланб турса, томонлар музокаралар йўли билан шартномани келгусида бажариш тўғрисидаги карор қабул киласидар.

XII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

12.1. Ушбу шартномага ўзgartириш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилиши ҳамда тарафлар томонидан имзоланиши керак.

*12.2. Бюджет ташкилотлари учун шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралидаги ПК-594-сон карорига асосан Фазначилик бўлими томонидан мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради.

12.3. Шартнома 2022 йил 31 декабргача бўлган муддатга тузилган. Шартноманинг муддати тугаганидан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор килиш тўғрисида талаб билан мурожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган хисобланади.

Бюджет ташкилотлари учун шартнома бир йилга тузилади, шартноманинг муддати тугаганидан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор килиш тўғрисида талаб билан мурожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган хисобланади. Бюджетдан маълум олувлчилар хар йили 2022 йил 31 декабр санаасига" амал қиلىшлари лозим.

12.4. Томонларнинг ушбу шартнома бўйича даъволари даъво қабул килинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида кўриб чиқилади.

XIII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

13.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 июндаги "Табиий газ ва электр энергиясини сотиш механизмини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги № 6010-сон Фармони қабул килиниши муносабати билан Табиий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш жараённида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридан Мажбурий икро бюросининг (БЮРО) барча ваколатлари 2020 йилнинг 1-августига кадар амалда бўлади.

13.2. Ушбу шартнома томонларнинг хар бири учун икки нусхада тузилган, иккакча нусхаси ҳам бир хил юридик кучга эга.

XIV. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАНЗИЛИ:

<p>«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» «Худудгаз Коракалпогистон»</p> <p>Манзил: Тел./факс: Нукус шахри, Бердах гузари №179 КТУТ коди _____ ХХТУТ _____ 35220 Богланиш телефони: 0361 224-04-08, 224-05-59, 224-02-43 x/r: _____ Банк номи: «Узсаноатқурилиш банк Рахат филиали» МФО: 00435 ИНН: 306605769 Х/Р <u>22681000805113960492</u></p>	<p>"ИСТЕМОЛЧИ" <i>Нашега рабочий Коен очер коллеги</i> (бюджет ташкилотлари, хўжалик юритувчи субъектлар номи) Почта манзил: <i>Кашкадарёй райони Фрезензислик бц.</i> ОКПО коди _____ ОКЭД <u>85320</u>. Мулоқот телефони <u>61-322-19-91</u>. Фax/x <u>2340200030010000 1010</u>. Банк номи: <i>Республиканский Маркази бераси</i> МФО <u>00014</u>. ИНН <u>20112919 01140496018</u> ш/х <u>2010860321870929</u> х/r: _____ (различник будимаси номи) Рахбар: <i>В. Сурдунов</i> (Ф.И.Ш.) Имзоси:  Мухр ўрини </p>
------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

Юридик маслаҳатчи хуласаси:

<p>Юридическое заключение (Ф.И.Ш.) Настоящий договор соответствует требованиям Гражданского кодекса и Закона Республики Узбекистан "О договорно-правовой базе деятельности хозяйствующих субъектов" Юрист <u>С.С. Султанов</u> 24 ИЮН 2022 г. 21 ИЮН 2022 г.</p>
